
Икки кунда 904 нафар риштонлик муддатидан олдин овоз берди

Аввал хабар берганимиздек, 14 октябрдан мамлакатимиздаги барча сайлов участкаларида муддатидан олдин овоз бериш жараёнлари бошланди. 7 кун давом этадиган мазкур жараённинг икки кунда Риштон туманидаги 70 та сайлов участкаларида 904 нафар сайловчи ўзининг сиёсий танловини амалга оширган. Муддатидан олдин овоз берганларнинг энг кўпи 818-сайлов участкасида қайд этилди: 123 нафар. Шунингдек, 821-сайлов участкасида – 37 нафар, 828-сайлов участкасида – 44 нафар ҳамда 795-сайлов участкасида эса 30 нафар сайловчи конституциявий ҳуқуқидан фойдаланди. 14 октябрь куни Риштон туманида 209 нафар, 15 октябрь куни 695 нафар сайловчи ўзининг сиёсий танловини амалга оширган. Эслатиб ўтамиз, муддатидан олдин овоз бериш жараёнлари 20 октябрь кунига қадар давом этади.

2021-10-16 14:01:30